

## НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ФАЛСАФАСИНИНГ МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИДАГИ АҲАМИЯТИ

ЎзМУ магистранти Адилов Бобомурод Бекмуродович

**Аннотация:** Ислом дунёсининг машхур шайхи, нақшбандия тариқатининг муассиси бўлган бу зоти шарифнинг хаёти ва фаолияти борасида кўплаб фикрмулоҳазалар баён қилинганлиги ҳақида маълумот берган. Уларнинг бир қанчаси эса баҳслидир. Бу эса буюк шайхнинг жуда машхурлиги ҳамда, хаёти ва фаолияти турли даврларда, турли шахслар томонидан ҳар хил талқин этилганлигидандир. Баҳоуддин Нақшбанднинг таржимаи ҳоли келтирилган кўпгина асарлар қиёсий ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Нақшбандия тариқати, Сўфийлик, Сўфизм,

Жаҳон динларидан бири бўлган ислом дини замирида юзага келган нақшбандия тариқати диний-ирфоний таълимот сифатида ислом маданияти ва цивилизациясининг тарқалишида муҳим роль ўйнаган. Ундаги миллий давлатчилик ғояларини шакллантириш йўлларини кўрсатувчи диний-ахлоқий меъёрлар ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, кишиларни эзгуликка, яратувчанликка, жамият тараққиётига ҳисса қўшиб, бошқа динлар ва конфессиялар вакиллари билан муросада, келишиб яшашга ундаб келган. Исломнинг жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган инсонпарвар дин сифатида тарқалиши бевосита тасаввуф таълимоти билан боғлиқдир.

Кишиларнинг диний эътиқоди билан боғлиқ ҳар қандай муаммо, доимо, энг нозик ва аҳолининг кенг этник қатламларини камраб олувчи масалалардан бири бўлган. Марказий Осиё давлатларининг XX аср якунидаги тараққиёти шуни кўрсатадики, собиқ советларнинг атеистик назариялари билан суғорилган мафкуравий қарашлари ўрнига келган диний эътиқод эркинлиги ундан ўзларининг сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланиш истагида бўлган турли ташкилот ва бирлашмаларга йўл очиб берди.

Баховуддин Нақшбанд мухтож инсонга ёрдам кўрсатишни энг савобли иш деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, намоз ўқиладиган вақтда бирор одамга ёрдам бериш керак бўлса, дарҳол намозни тўхтатиб ёрдамга ошиқиш керак.

Муҳтож одамга ёрдам бериш орқали орттирилган савоб намоздан келган савобдан ортиқроқдир. Шу сабабли инсонпарварлик миллий этиқодимизнинг асосий мезони бўлган. Демак, миллий ғоямиз, руҳимиз, маънавиятимиз мезонларига кўра, бир муҳтож, эзилган, қийналган одамга ёрдам бериш савоблиги жихатидан вайрон бўлган Каъбани тиклаш билан баробардир. Миллий ғоя умуминсоний манфаатлар билан ҳам алоқадордир. Миллий ғоялар умуминсоний манфаатлар ҳал этилишига ҳам ижодий таъсир этиши миллий ва умуминсоний манфаатларнинг муштарак жихатлари билан боғлиқ. Миллий ғоянинг муҳим ахлоқий тамойилларидан яна бири – халқимизнинг тарихий хотираси, ўз она юрти ва халқига бўлган чексиз ҳурмати, ифтихоридир. Шундай экан миллий ғоя бу одамларни эзгу ғояларга ишонтириш уларни уюштириш, олижаноб мақсадлар сари сафарбар этишда маънавий–руҳий жихатдан улкан аҳамият касб этади. Чунки халқнинг руҳи кайфияти, ҳиссий кечинмалари ва фаолият кўрсатишга шайлиги унинг ҳаракат дастури бўлган умуммиллий ғояга ишончи билан белгиланади. Ана шундай ишонч жамият аъзоларидан мустаҳкам этиқодни шакллантириб, уларни янада жипслаштиради, мамлакат фуқароларини ўзаро тотув, дўст ва иноқ бўлиб яшашга, ўз манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғунлаштиришга чорлайди.

Сўфийлик таълимотига биноан ҳаётнинг мазмуни Ҳақиқатга, Аллоҳга эришиш учун интилишдир ва унга эришиш ташқи нарсалар ҳақидаги билим – шариатга асосланади ва ички нарсалар ҳақидаги билим тариқат жараёнида юз беради. Тариқат одам Ҳақиқатга эришиш учун қайси ва қандай тўсиқларни енгиши лозимлигини белгилайди. Билиш жараёнида шариатдан тариқатга ўтиш дарҳол рўй бермайди. Фақат шариатни ўзлаштириш ва унинг талабларини бажариш орқали Ҳақиқат йўлидан жадалроқ ва самаралироқ бориш мумкин. Одам билишнинг ҳар бир босқичи (мистик йўл манзиллари)дан бирин-кетин ўтиб, ўз мақсадига яқинлашади. Сўфизм назарияси ва амалиёти онгнинг ташқидан ичкига, очикдан яширинга саёҳатни назарда тутди. Баҳоуддин Нақшбандий тариқат эзотерик яъни,

яширин, мистик фан, у ҳаммага очик эмас, уни фақат ўзини Ҳақиқатга бахшида этган одамларгина англаб етиши мумкин деб ҳисоблаган. Нақшбандия таълимотининг асосини жавонмардлик ғоялари ташкил этган.

Мазкур масалалар ечими Нақшбандия тариқати силсиласининг йигирма тўртинчи шайхи Имом Аҳмад Сирҳиндийнинг XVII аср бошларида ёзилган бир қанча, хусусан, “Мактуботи Раббоний” асарида зикр этилган<sup>1</sup>. [1] Бу асарнинг қўлёзма ва босма нусхалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланади. Асарнинг биринчи жилд 29 мактубида, жумладан, шундай дейлади: “Фарзларни адо этиш, суннат ва одобга риоя қилиш, фарзлар турганда нафл амалларга ортиқча эътибор бермаслик, хуфтон намозини туннинг охирида ўқишдан қайтариш, таҳорат учун ишлатилган сувни ичишдан қайтариш ва муридларнинг ўз пирлари ёки бошқага сажда қилишдан қайтариш” деб номланган. XVII аср бошларида ёзилган бу мактуб Ҳиндистоннинг Санешвор худудида истиқомат қилувчи шайх Низомиддин ат-Таҳонисрийга йўлланган бўлиб, унда айнан шундай дейилади: “Сиз ҳеч қачон таҳорат олиш учун ишлатган сувингизни одамларга ичишга рухсат бермаслигингиз керак. Чунки таҳоратдан оққан сув нопокдир. Абу Ҳанифага биноан, фақиҳлар буни маън этганлар. Мен, шунингдек, ишончли манбадан эшитдимки, сенинг халифаларинг қаршисида уларнинг шогирдлари сажда қилаётган эмишлар. Бу қоралашга лойиқ ва бу маън этилиши лозим”<sup>2</sup>. [2]

Тасаввуф таълимоти асрлар давомида инсоният маънавий-руҳий, ахлоқий камолотини юксалтиришга хизмат қилиб келади. Жаҳонга донғи кетган шоҳ асарлар, мумтоз адабиётимиз дурдоналари, ғазаллар, ишқ-муҳаббат қиссалари акс эттирилган дostonлар, диний ва дунёвий илмларни ўз ичига қамраб олган аждодларимиз қолдирган хикматлар хазинаси,

---

1 Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Форуқий ас-Сирҳиндий. Мактуботи Имоми Раббоний. Ўзб. ФАШИ. Қўлёзма. №482/ VIII. -356 б.

<sup>2</sup> Сирожиддинов Ш. Илм ва тахайюл сарҳадлари. –Тошкент, 2011. –81б.

буларнинг барчаси илдизи жуда чуқур, ўзаги мустаҳкам бўлган тасаввуф таълимотидан баҳра олган десак, муболаға бўлмайди.

Асримизнинг етук тасаввуфшунос олими, нақшбандия тариқатининг намоёндаларидан бири профессор Маҳмуд Аъяд Жўшон шундай деб таъкидлайди: “Тасаввуф тафсир, ҳадис, калом, ақоид ва фикҳ илмлари каби шаръий илмдир. Қуръон ва ҳадисдан олинган зоҳирий фикҳга муқобил ботиний фикҳ илми, қалб аҳволи илми, нафсни поклаш илмидир. Тасаввуф нафсни тарбиялашдир: соғлом ирода, гўзал хулқ, солиҳ амалдир”<sup>3</sup>. [3]

Яқин-яқингача биз тасаввуф нима эканлиги ҳақида хатто тасаввурга ҳам эга эмасдик. Давлатимиз мустақилликни қўлга киритгандан бери қисқа муддат ичида ислом тасаввуфи тарихи, Шарқ мамлакатлари ҳамда ватанимизда яшаб ўтган буюк авлиёлар ҳамда солиҳ кишилар ҳаёти ва фаолияти, маданий ва маънавий меросига бағишланган жуда кўплаб китоблар, рисоалар, бадий-илмий асарлар нашр қилинди. Илм-фан йўлидаги бундай силжишлар, самарали фаолият халқимизнинг жуда катта қизиқиш ва эътиборини ўзига жалб қилди. Айниқса, зиёлиларимиз, тасаввуфшунос олимларимиз бир қанча илмий-тадқиқот ишлари, лойиҳалари устида изланишлари натижасида жуда яхши натижаларга эришдилар.

Ҳозирги кунда юксак маънавиятли, ахлоқий баркамол инсонни тарбиялаб, вояга етказишда тасаввуфнинг илмий-назарий ғояларини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Инсон ҳар жиҳатдан тарбияга, парваришга мухтож. Ахлоқий тарбияга бефарқ бўлиб, ўз ҳатти-ҳаракатларини мунтазам кузатмаслик натижасида нафс издан чиқиши ва ўз эгасини халокатига сабабчи бўлиши мумкин эканлиги ҳаёт тажрибасида кўп бор кузатилган. Аммо нафсни жиловлаш ва тарбиялаш осон иш эмас. Ҳудди асов отни жиловлаб олиб, ўзига бўйсундириш қанчалик машаққат туғдирса, инсон ўз нафсини қалби ва ақли итоатида тутиши унданда мураккабдир.

---

<sup>3</sup> Маҳмуд Аъяд Жўшон, “Тасаввуф ва нафс тарбияси”, Ўзб. Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғ. наш. Тошкент, 2001. 34-б.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида, унинг таълимоти хусусида, нақшбандий шайхлар тўғрисида талай асарлар яратилган. Биргина, ЎзФАШИ қўлёзмалар хазинасининг ўзида 195 китоб мавжуд. Жумладан, Б.Н.нинг суюкли халифаси Хожа Муҳаммад Порсо ёзиб қолдирган бир неча асар орқали валийликнинг таърифи, Баҳоуддин Нақшбанднинг тариқатдаги илк даврлари, унинг суҳбатлари ва ҳикматли сўзлари б-н танишиш, ислом ақидаси, ибодат, шариат ва тариқат аҳкомларидан баҳраманд бўлиш мумкин. Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги (1993) муносабати билан Ўзбекистонда Б.Н. таълимотини ўрганишга аҳамият кучайди. Бухоро Давлат университети ҳузурида “Нақшбандия” илмий маркази иш бошлади. У ерда тасаввуфий-ирфоний меросни тадқиқ этиш йўлга қўйилди. Бухоро давлат музей –қўриқхонасида ҳам “Нақшбандия” маркази тузилди.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Форуқий ас-Сирҳиндий. Мактуботи Имоми Раббоний. Ўзб. ФАШИ. Қўлёзма. №482/ VIII. -356 б.
2. Сирожиддинов Ш. Илм ва тахайюл сарҳадлари. –Тошкент, 2011. –81б.
3. Маҳмуд Асъад Жўшон, “Тасаввуф ва нафс тарбияси”, Ўзб. Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғ. наш. Тошкент, 2001. 34-б.